

PhD Сардор ОМОНОВ
Тошкент молия институти

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕТОР СИФАТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛ БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизда институционал инвесторлар сифатида тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилишда турли тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилган. Капитал бозорида тижорат банкларининг капитал бозоридаги фаолияти, уларнинг инвестицион фаолияти кўрсаткичлари, миллий тижорат банкларининг акциялари қийматлари кабилар таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида тегишли хулосалар ва таклифлар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: капитал бозори, институционал инвестор, тижорат банклари, акция, бозор қиймати, номинал қиймати, устав капитали, инвестиция.

ANALYSIS OF THE ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS IN THE CAPITAL MARKET AS AN INSTITUTIONAL INVESTOR

Abstract: In this article, the scientific studies of various researchers have been studied in the analysis of the activities of commercial banks as institutional investors in our country. In the capital market, the activities of commercial banks in the capital market, indicators of their investment activity, values of shares of national commercial banks were analyzed. Based on the analysis, appropriate conclusions and proposals were formed.

Keywords: capital market, institutional investor, commercial banks, stock, market value, nominal value, authorized capital, investment.

Кириш

Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, капитал бозорининг таркибий қисмлари орасида қимматли қоғозлар бозори такрор ишлаб чиқариш жараёнида ва молиявий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўрин тутди. Айнан ушбу бозор жаҳоннинг йирик давлатлари иқтисодиётида ривожланиш барометри вазифасини бажаради. Миллий капитал бозорини ривожлантиришда мазкур жиҳатлар инобатга олиниши лозим.

Мамлакатимизда капитал бозорида институционал инвесторлар сифатида тижорат банклари инвестиция фаолиятининг тартиб-қоидалари алоҳида белгиланган. Хусусан, 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги 580-сонли Қонунига мувофиқ, банкларнинг институционал инвестор сифатида фаолият

[International Journal of Finance and Digitalization](http://www.ijfd.uz)
[Email: ijfd.uz@gmail.com](mailto:ijfd.uz@gmail.com)

юритиши, шунингдек, инвестиция фаолиятида амал қилиши лозим бўлган тартиб-қоидалар белгилаб қўйилган. Тижорат банклари капитал бозорида инвестор сифатида ўзларининг мавжуд молиявий ресурсларини қимматли қоғозларга ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларга йўналтириш орқали иштирок этади. Бироқ капитал бозорида тижорат банкларининг фаолиятида қатор муаммолар, жумладан, паст рентабелли қимматли қоғозларнинг мавжудлиги, тижорат банклари инвестицион фаолиятида қимматли қоғозларнинг улуши пастлиги, эмиссион фаолиятнинг паст даражаси, инвестицион воситачилик фаолият турларининг ривожланмаганлиги кабилар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли тижорат банкларининг капитал бозоридаги фаоллигини ошириш долзарблик касб этади.

Адабиётлар таҳлили

“Капитал бозори бу жисмоний шахслар ва бизнес субъектлар томонидан қарз қимматли қоғозлари ва улуш муносабатидаги қимматли қоғозлар сотиб олинadиган ва сотиладиган уюшган бозор ҳисобланади. Бу бозор назорат қилувчи органлар томонидан қимматли қоғозлари савдосига рухсат берилган компаниялар учун асосий маблағ манбаи ҳисобланади, чунки компаниялар ўз қарз мажбуриятларини ва ўз капиталини инвесторларга бемалол сотиши мумкин. Шунингдек, ҳукуматлар маблағларни жалб қилиш учун капитал бозорларидан, одатда, узоқ муддатли облигациялар чиқариш орқали фойдаланadилар” [1]. Капитал бозорида ҳукуматларнинг ҳам иштирок этиш имкониятлари ушбу бозорнинг аҳамиятини ошириб беради.

“Капитал бозори узоқ муддатли қимматли қоғозлар бозори бўлиб, одатда, муддати бир йилдан ортиқ бўлган қимматли қоғозларни қамраб олади. Қарз олувчилар ва кредиторлар ўртасида маблағларни самарали ўтказиш учун капитал бозорларининг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди” [2]. Капитал бозорида капиталларнинг узоқ муддатга жалб қилиш имконияти мавжуд эканлиги капитал жалб қилувчилар учун қулайлигини таъкидлашимиз лозим. Шунингдек, капитал бозорида пул маблағларининг қайта тақсимланиши, иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятини ҳам таъкидлаш зарур.

“Капитал бозори молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим рол ўйнайди ва шу билан бирга узоқ муддатли молиявий активларни харид қилишда самарали ҳисобланади. Шунингдек, у жисмоний шахслар ва молиявий институтлар учун инвестиция имкониятини беради” [3].

“Бугунги кунда капитал бозори ҳар қандай замонавий иқтисодиётда учрайдиган бозор ҳисобланади. Мазкур бозор динамик ва инновацион тузилма бўлиб, доимий равишда иқтисодий муҳитга мослашади. Шу билан бирга

капитал бозори барча тоифадаги иштирокчилар учун имкониятлар яратади ва маълум бир даражада рискли ҳисобланади” [4].

“Фаол хусусий секторсиз самарали капитал бозори бўлмайди. Бинобарин, капитал бозорининг ролини аниқлаш билан боғлиқ кўплаб муаммолар, асосан, хусусий сектор учун ижобий ролни топишда баъзи чекловларни енгиб ўтишга уриниш билан боғлиқ. Капитал бозорининг асосий вазифаси бозор мезонларига мувофиқ узок муддатли маблағлар оқимини кўпайтириш ва йўналтиришдир” [5].

“Капитал бозорида қимматли қоғозлар, одатда, бир йилдан ортиқ муддатда бўлади ва бу орқали узок муддатли инвестиция амалга оширилади. Қисқа муддатли инвестициялар эса, одатда, пул бозорида амалга оширилади. Капитал бозорининг бир қатор жиҳатлари унинг аҳамиятини очиб беришини таъкидлашимиз лозим. Биринчидан, капитал бозори жисмоний шахслар ва компанияларга ўз эҳтиёжлари учун маблағ жалб қилиш имкониятини беради ҳамда ушбу бозор бирламчи бозор ва иккиламчи бозорга бўлинади. Иккинчидан, иқтисодий ривожланишда капитал бозори ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу бозор жисмоний шахслар, банклар, молия институтлари, кўчмас мулк ва олтин жамғармаларини жалб қилади ва шу билан жамғармаларни самарасиз фаолиятдан фойда келтирувчи фаолиятга йўналтиради. Учинчидан, тижорат банклари, молия институтлари, индивидуал инвесторлар, суғурта компаниялари, корпорациялар ва хусусий пенсия жамғармалари капитал бозорида асосий маблағ етказиб берувчилардир” [6]. Ушбу фикрлардан кўришимиз мумкинки, капитал бозорининг асосий хусусиятлари сифатида узок муддатли қимматли қоғозлар ва бошқа активлар олди-сотди қилиниши ва бу компаниялар учун капитал жалб қилишдаги асосий бозорлардан бири эканлигини айтишимиз мумкин.

С.Чаплинский ҳамда Л.Рамчанд “мажбурий делистинг компаниялар белгиланган стандартларга жавоб бера олмасликлари сабабли рўй беради, аксарият ҳолларда эса компаниялар ёмон ишлаши сабабли рўй беради” [7], дея фикр билдирган. Ушбу ҳолатда компанияларнинг делистингга учраши институционал инвесторлар учун ўзига хос сигнал вазифасини бажариб беради.

И.Мартинез, С.Серве ва К.Жама “харажатларни тежаш нуқтаи назаридан делистинг сабабларини таҳлил қилиш делистингнинг икки хил даражасини аниқлашга ёрдам беради. Ихтиёрий делистинг ҳолатида фирмалар листинг харажатларининг ўсиши сабаб сифатида талқин қилинса, мажбурий делистинг ҳолатида фирмалар ўз харажатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайдилар ва листинг талабларини бажара олмайдилар. Ушбу фарқлар делистингнинг иқтисодий оқибатларини кўриб чиқиш муҳимлигини англатади” [8], деб ҳисоблаган. Бу орқали институционал инвесторлар

фаолиятида делистинг жараёни ички ва ташқи омилларга боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

С.Челик ва М.Исакссон институционал инвесторларни уларнинг маълум даражада ривожланиш даражасини акс эттирувчи учта асосий тоифага ажратишади. “Институционал инвесторларнинг биринчи тоифасига анъанавий институционал инвесторлар киради ва бунга пенсия фондлари, инвестиция фондлари ва суғурта компаниялари киради. Иккинчи гуруҳ эса муқобил (alternative) институционал инвесторларни ўз ичига олиб, булар ҳедж фондлар, хусусий капитал фирмалари (private equity firms), суверен фондлар кабиларни ташкил этади. Учинчи тоифага ўз миқдорлари номидан инвестиция киритадиган активларни бошқарувчилар (asset managers) киради” [9]. Институционал инвесторларнинг турлари кўплиги боис уларни тоифаларга ажратган ҳолда тадқиқ қилиш уларнинг мазмун-моҳияти ва капитал бозоридаги аҳамиятини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида “маҳаллий капитал бозорларини ривожлантириш, хусусан, облигациялар чиқариш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун капитал жалб қилиш” [10] масалалари ҳам кенг миқёсда тадқиқ этилган бўлиб, ушбу жиҳатлар капитал бозорининг аҳамиятини янада оширади.

С.Элмирзаев фикрича, “потенциал инвесторларни жалб қилиш мақсадида тақдиротлар ўтказиш жараёнида инвестор фаолияти ташкил этилган давлатда солиққа тортиш даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки дивидендларга нисбатан солиқ юки юқори бўлган давлатларда акциялар сотиб олиш орқали даромад кўришга интилиш даражаси ниҳоятда паст бўлади” [11]. Капитал бозорини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан мазкур жиҳат ҳам инобатга олиниши лозим.

А.Алиқулов “капитал бозори - ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар савдоси амалга ошириладиган бозор” [12], дея таъкидлаб ўтган. Шунингдек, капитал бозоридан капитал жалб қилиш имкониятларини ошириш, капитал бозорини ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини миллий амалиётга татбиқ қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратган.

А.Бозоров капитал бозорини ривожлантиришда эътибор қаратиш лозим бўлган баъзи жиҳатларни таъкидлаб ўтган. “Қимматли қоғозлар турига қараб эмитент ва инвесторлар зарур ишончли маълумотларнинг олишлари учун доимий маълумотлар рўйхати шакллантириш бориш лозим. Шакллантирилган маълумотлар эмитентларнинг расмий веб сайтидан ташқари, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилувчи ва тартибга солувчи давлат идоралари, шунингдек қимматли қоғозлар савдоларини ташкил этувчиларнинг расмий веб сайтларида ҳам жойлаштириш лозим. Бу қимматли қоғозлар бозори жозибадорлигини оширишга ва ундаги иштирокчилар

доирасини кенгайишига ва эмитент ва инвесторларнинг самарали фаолияти ва уларни қимматли қоғозлар бозорида доимий фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади” [13].

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш мумкинки, тижорат банкларининг молиявий имкониятлари юқори эканлиги, капитал бозорида инвестицион, эмиссион ва молиявий воситачилик фаолиятини тақшил қилиш имкониятлари мавжудлиги капитал бозорида тижорат банклари фаолиятини яхшилаш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси

Капитал бозорида тижорат банкларининг институционал инвестор сифатидаги фаолиятини ўрганишда анализ, синтез, танланма кузатув, қиёслаш, статистик таҳлил, индукция, дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон капитал бозорида тижорат банкларининг иштирокини таҳлил қилиш уларнинг институционал инвесторлар сифатидаги фаолиятини ўрганишга имкон беради.

1-жадвал

Ўзбекистондаги тижорат банклари жамланма балансида қимматли қоғозлар таҳлили [14]


№	Кўрсаткичлар номи	01.01.2021 й.		01.01.2022 й.		Ўзгариши, фоизда
		млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Активлар						
1.	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	9 735	2,7%	10 686	2,4%	9,8%
2.	Марказий банкдаги маблағлар	18 851	5,1%	31 515	7,1%	67,2%
3.	Бошқа банклардаги маблағлар-резидент	13 146	3,6%	13 302	3,0%	1,2%
4.	Бошқа банклардаги маблағлар-норезидент	21 701	5,9%	25 074	5,6%	15,5%
5.	Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	9 448	2,6%	19 634	4,4%	107,8%
6.	Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	1 576	0,4%	1 251	0,3%	-20,6%
7.	Кредит қўйилмалари, (соф)	270 213	73,8%	316 382	71,1%	17,1%
8.	Асосий воситалар, (соф)	8 314	2,3%	11 032	2,5%	32,7%
9.	Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	7 882	2,2%	9 387	2,1%	19,1%

№	Кўрсаткичлар номи	01.01.2021 й.		01.01.2022 й.		Ўзгариши, фоизда
		млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
10.	Банкнинг бошқа хусусий мулклари	1 131	0,3%	1 339	0,3%	18,4%
11.	Бошқа активлар	4 125	1,1%	5 320	1,2%	29,0%
12.	Жами активлар	366 121	100%	444 922	100%	21,5%
Мажбуриятлар						
13.	Депозитлар	114 747	37,3%	156 190	41,8%	36,1%
14.	Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	1 089	0,4%	709	0,2%	-34,9%
15.	Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	13 001	4,2%	13 289	3,6%	2,2%
16.	Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	3 175	1,0%	4 671	1,2%	47,1%
17.	Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	151 704	49,3%	173 750	46,5%	14,5%
18.	Чиқарилган қимматли қоғозлар	9 523	3,09%	10 613	2,8%	11,4%
19.	Субординар қарзлар	4 000	1,3%	4 248	1,1%	6,2%
20.	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	3 715	1,2%	3 960	1,1%	6,6%
21.	Бошқа мажбуриятлар	6 816	2,2%	6 575	1,8%	-3,5%
22.	Жами мажбуриятлар	307 770	100%	374 005	100%	21,5%
Жами капитал						
23.	Устав капитали	44 656	76,5%	54 760	77,2%	22,6%
24.	Қўшимча капитал	435	0,7%	675	1,0%	55,4%
25.	Захира капитали	5 206	8,9%	8 452	11,9%	62,4%
26.	Тақсимланмаган фойда	8 055	13,8%	7 030	9,9%	-12,7%
27.	Жами капитал	58 351	100%	70 918	100%	21,5%

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра 2022 йил январь ҳолатига кўра мамлакатимизда 33 та тижорат банклари фаолият юритмоқда. 1-жадвалда ушбу тижорат банкларининг жамланма балансини таҳлил қилиб ўтамыз.

1-жадвалда жамланма балансининг активлар ва мажбуриятлар қисмида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар кўрсаткичлари акс этганлигига гувоҳ бўламиз. Активлар таркибида инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра жами активларнинг 2,6 фоизини ёки 9448 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январда бу кўрсаткич 4,4 фоизни ёки 19634 млрд. сўмни ташкил этган. Бундан кўринадики, тижорат банклари қимматли қоғозларга киритган капитали ҳажмини бир йилда сезиларли даражада оширган. Мажбуриятлар таркибида чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми 2021 йил бошида 9523 млрд. сўм билан 3,09 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил январь ҳолатига бу кўрсаткич улуши 2,8 фоизга пасайган

бўлсада, қиймат жиҳатдан 10613 млрд. сўмга етган. Демак, 2021 йил давомида амалга оширилган тижорат банкларининг эмиссион фаолияти натижасида бу кўрсаткич қиймати ошган.



1-расм. “Тошкент” РФБда листингдан ўтган тижорат банклари акциялари таҳлили (30.12.2022 ҳолатига) [15]

Ўзбекистондаги тижорат банкларининг капитал бозоридаги фаоллик даражасини ўрганишда уларнинг фонд биржасида листингдан ўтганлиги муҳим рол ўйнайди. 2022 йил январь ҳолатига “Тошкент” РФБда листингдан ўтган 139 та акциядорлик жамияти орасида эса 18 та тижорат банки мавжуд. Энг биринчи листингдан ўтган тижорат банки “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (6.09.2003) ҳисобланса, энг сўнггиси “Orient Finance” ХАТБ (10.06.2021) эканлигини кўриш мумкин (1-расм). Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки,

мамлакатимизда тижорат банклари томонидан корпоратив облигациялар эмиссияси аксарият тижорат банклари томонидан кенг қўлланилмаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, маҳаллий бозорга бир қатор тижорат банклари томонидан корпоратив облигациялар чиқарилган бўлсада, облигациялар орқали капитал жалб қилиш амалиёти пасив эканлигини таъкидлаш лозим. Халқаро корпоратив облигациялар эмиссияси орқали нисбатан арзон ва катта ҳажмдаги молиявий ресурс жалб қилиш имконияти мавжуд бўлсада, тижорат банклари томонидан халқаро корпоратив облигациялар эмиссияси бўйича амалиёт саноқли тижорат банклари томонидангина амалга оширилган.

2-жадвал

“Асакабанк” АЖнинг инвестиция ва эмиссия фаолияти кўрсаткичлари таҳлили [16]

№	Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Акция номинал қиймати (сўм)	139,01	139,01	139,01	139,01	139,01
2.	Оддий акциялар бўйича олинган даромад (1 дона акцияга нисбатан сўмда)	2,94	2,07	2,06	-	-
3.	Оддий акциялар бўйича олинган даромад (1 дона акцияга нисбатан фоизда)	2,12	1,49	1,48	-	-
4.	Сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳажми (минг сўм)	74 543 912	8 000 000	215 398 728	731 350 001	807 420 506
5.	Тақсимланмаган фойда (минг сўм)	82 553 177	894 254 942	209 703 455	484 018 096	417 468 206
6.	Қимматли қоғозлар олди-сотдисидан фоиз кўринишидаги даромадлар (минг сўм)	4 070 803	6 276 928	15 363 148	58 103 899	103 216 785
7.	Ҳисобот йилида қўшимча эмиссия қилинган акциялар сони (дона)	464 052 015	-	5 015 306 187	1 164 653	1 257 795
		5 289 119 363		1 396 333 178		
		6 000 000 000		19 371 866 834		

2-жадвалда “Асакабанк” АЖнинг инвестиция ва эмиссия фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, мазкур банк томонидан 2017-2021 йиллар давомида оддий акциялар бўйича қониқарли даражада дивиденд тўланмаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2017-2019 йилларда банк акцияларини сотиб олган инвесторларнинг оддий

акциялар бўйича даромадлилиги 1,48-2,12 фоиз оралиғида бўлган бўлса, 2020-2021 йилларда дивиденд тўланмаганлигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса

Капитал бозорида тижорат банкларининг институционал инвестор сифатидаги фаолиятини ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

Тижорат банклари капитал бозорида инвестор сифатида ўзларининг мавжуд молиявий ресурсларини қимматли қоғозларга ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларга йўналтириш орқали иштирок этади. Мамлакатимизда тижорат банклари асосий молиялаштирувчи институт сифатида шаклланганлигини сабабли тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади;

Ўзбекистон капитал бозорида тижорат банкларининг иштирокини таҳлил қилиш уларнинг институционал инвесторлар сифатидаги фаолиятини ўрганишга имкон беради. Ўзбекистондаги тижорат банкларининг капитал бозоридаги фаоллик даражасини ўрганишда уларнинг фонд биржасида листингдан ўтганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим;

Мамлакатимизда давлат улуши мавжуд тижорат банкларини хусусийлаштиришда уларнинг акцияларини асосан маҳаллий бозорда сотишга эътибор қаратиш лозим;

Маҳаллий капитал бозоримизга хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда андеррайтерлар тавсиясига асосан маҳаллий корхоналар ўз акцияларини даставвал маҳаллий фонд биржага, кейинчалик хорижий фонд биржаларига жойлаштириш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.accountingtools.com/articles/what-are-capital-markets.html> - молия ва бухгалтерия билан боғлиқ маълумотлар эълон қилинувчи веб-сайт маълумотлари
2. Zaheer Ahmed, Michel Raj, S. Prakash, P. Natarajan, Jonardan Konear. Global Financial Markets and Instruments. // PONDICHERY UNIVERSITY, MBA – International Business. – Page 11.
3. Dhan Raj Chalise. Secondary Capital Market of Nepal: Assessing the Relationship Between Share Transaction and NEPSE Index. // Management Dynamics, Vol. 23, No. 2: 53-62, 2020; https://www.researchgate.net/publication/351477084_Capital_Market/link/609a02ea92851c490fcec430/download

4. Alin Marius Andrieş. THE IMPORTANCE OF CAPITAL MARKET IN ECONOMY. // CES Working Papers, I, (2), 2009. – p. 69; <https://core.ac.uk/download/pdf/6764419.pdf>

5. Bruce Lloyd. The Role of Capital Markets in Developing Countries. // Intereconomics, ISSN 0020-5346, Verlag Weltarchiv, Hamburg, Vol. 12, Iss. 3/4, 1977. – pp. 96-102; <https://www.econstor.eu/bitstream/10419/139458/1/v12-i03-a09-BF02928701.pdf>

6. <https://www.wallstreetmojo.com/capital-market/> - молия, бухгалтерия хисоби ва инвестициялар билан боғлиқ маълумотлар эълон қилинувчи веб-сайт маълумотлари

7. Susan Chaplinsky and Latha Ramchand. From Listing to Delisting: Foreign Firm's Entry and Exit from the US. // Article. Semantic Scholar. October 2007. – P. 5.

8. Isabelle Martinez, Stephanie Serve, Constant Djama. Reasons for Delisting and Consequences. // Article. SSRN Electronic Journal. April 11, 2015. p3

9. Serdar Çelik, Mats Isaksson. Institutional Investors as Owners: Who Are They and What Do They Do? // OECD Corporate Governance Working Papers No. 11. December 2013. – P. 36; <https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/5k3v1dvmfk42-en.pdf?expires=1605509112&id=id&accname=guest&checksum=7F65B866A966CB86DA1CD71C1C0F8D28>

10. Ф.Мухамедов. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. – 7 бет.

11. Elmirzaev, S. (2019) "THE PRACTICE AND ANALYSIS OF MASS POSITIONING OF SHARES OF JOINT-STOCK COMPANIES," International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss1/3>

12. А.Аликулов. Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т.: ТДИУ, 2021. – 8 б.

13. А.Р.Бозоров. Реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т.: ТМИ, 2022. – 23 б.

14. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/588191/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти маълумотлари

15. https://www.uzse.uz/isu_infos?page=3 – “Тошкент” РФБ расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган



16. <https://asakabank.uz/investors/open-data> - “Асакабанк” АЖнинг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган